XALQ DEPUTATLARI BULOQBOSHI TUMAN KENGASHI QARORI

170500, Buloqboshi t., M.Ismoiliy ko'chasi 6-uy, Telefon: (74) 7732560 e-mail: buloqboshi@exat.uz

2023 - yil 14 - mart VI-65-25-1-20-K/23 Buloqboshi tumani hokimligi

Халқ депутатлари Булоқбоши туман Кенгашининг 2022 йил 22 ноябрдаги VI-60-116-1-20-K/22-сонли қарорига ўзгартириш тўғрисида

Халқ депутатлари Булоқбоши туман Кенгашининг 2022 йил 22 ноябрдаги VI-60-116-1-20-K/22-сонли қарори билан тумандаги маҳалла фуқаролари йиғинлари инфратузилмаси учун 1 млрд 044 млн 909.0 минг сўм маблағ ажратилиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 22.12.2022 йилдаги №201-сонли Раёсат баёни ижроси бўйича Молия вазирлигининг №2844-сонли билдиришномасига асосан 80 млн 483 минг 868 сўм миқдоридаги маблағлар мақбуллаштирилиб, харажатлар режасига ўзгаришлар киритилди. Ушбу ўзгаришлардан сўнг қолган маблағ миқдори 964 млн 425 минг 132 (Қайта тақсимот ҳисоб-китоблари илова қилинади) сўмни ташкил қилди.

Юқоридаги ўзгаришларни инобатга олган ҳолда Халқ депутатлари Булоқбоши туман Кенгашининг 2022 йил 22 ноябрдаги VI-60-116-1-20-K/22-сонли қарорига тегишли ўзгартиришлар киритилиши юзасидан хамда "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунининг 6-, 24-моддаларига асосан халқ депутатлари Булоқбоши тумани Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 22.12.2022 йилдаги №201-сонли Раёсат баёни ижроси бўйича Молия вазирлигининг №2844-сонли билдиришномаси маълумот учун қабул қилинсин.

2. Халқ депутатлари Булоқбоши туман Кенгашининг 2022 йил 22 ноябрдаги VI-60-116-1-20-K/22-сонли қарорига 1-иловага мувофиқ ўзгартириш киритилсин.

3. Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Б.Буваматов, халқ депутатлари тумани Кенгаши котибияти, тегишли бўлим бошлиқлари:

маҳаллий бюджетлар даромадлари ва харажатларининг прогноз кўрсаткичлари бажарилиши ҳамда солиқ базасини кенгайтириш юзасидан кўрилган чора-тадбирлар;

ажратилган бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиши юзасидан эришилган натижалар бўйича Кенгашга бир чоракда камида бир маротаба ҳисобот киритиб борсин.

4. Мазкур қарор туман ҳокимлигининг расмий веб-сайтига ва маҳаллий газеталарда жойлаштирилсин.

5. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари туман Кенгашининг маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими **O'.Mamurov**